TURK ELI

International Scientific Journal



Volume 1 | Special Issue Part 2 | 2026

Manas, Kyrgyz Republic

www.turkeli.science

TURK ELI
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL

The journal is officially registered as a mass media outlet by the Justice Department of Manas Region under the Ministry of Justice of the Kyrgyz Republic in accordance with Registration Certificate No. 10339 dated March 11, 2024. The journal is registered under the title “TURK ELI” International Scientific Journal and is authorized for publication in Kyrgyz, Turkish, Uzbek, Kazakh and English languages.

Honorary President
Sarvar Ispahi

Editor-in-Chief
Jenishbek Duysheev

Deputy Editor in-Chief
Rahmonali Hasanov

Editorial Board:

Ablat Khodjaev (Prof. Dr.)
Shakimashrip Ibraev (Prof. Dr.)
Shohistahon Uljaeva (Prof. Dr.)
Kubanychbek Kalchakeev (Prof. Dr.)
Abdimajid Madraimov (Prof. Dr.)
Shukhrat Sattorov (Prof. Dr.)
Ibrahim Kush (Dr.)
Faig Elekberli (Dr.)
Erdenebayar Nasanbat (Dr.)
Gulnara Anarbaeva (Dr.)
Nurgul Aldabek (Dr.)
Nurjamal Myrzabaeva (Dr.)
Takhirjan Kazakov (Dr.)
Elmira Hazratkulova (Dr.)
Azamat Kaliev (Dr.)
Abdulvakhidkhon Nuriddinov (Dr.)

About this Special Issue

This Special Issue presents selected papers from the International Scientific Conference
Ijtimoiy fanlar va jamiyat taraqqiyoti:
barqaror rivojlanishning strategik yo‘nalishlari

Technical Editor
Laziz Baxtiyorov

Publisher: turkeli.science
E-mail: editor@turkeli.science


TOSHKENT IQTISODIYOT VA TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI
TITU
TOSHKENT – 2022
TOSHKENT IQTISODIYOT VA TEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI
IJTIMOIY FANLAR FAKULTETI
IJTIMOIY FANLAR VA JAMIYAT TARAQQIYOTI:
BARQAROR RIVOJLANISHNING
STRATEGIK YO‘NALISHLARI
GLOBAL MIQYOS
STRATEGIYA VA TARAQQIYOT
ILM-FAN VA INNOVATSIYA
JAMIYAT VA INSON KAPITALI
XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA
ILM-FAN ORQALI BARQAROR KELAJAK SARI
2026-yil 15-may

K. G. Makhamatjonovna	The Importance of Scientific and Educational Resources in Improving the Information Environment of the Educational Process	91
S. Ociyev	The History and Fate of the Uzbek Delegates to the First Turkological Congress	93
M. Tuhtakhujaeva *G. Kadirova*	Resolving Conflicts between Teachers and Students in Schools: Distinctive Features of Collaboration with Parents	96
M. Nazarova	The Role of Modern Storage Technologies in Reducing Food Waste	100
Kh. Nizamova	The Grammatical Structure of Compliments in Analytic and Agglutinative Languages: A Comparative Study of English and Uzbek	103
S. Kh. Butaeva	The Global Integration of Digital Transformation and the Green Economy	106
Sh. T. Dadaboyev	Privileges and Opportunities Created under State Programs to Promote Youth Self-Employment	109
D. Tulevberdiyeva *G. Ergashev*	Economic Mechanisms for Developing Youth Entrepreneurship in the Digital Economy: The Case of Uzbekistan	112
P. Q. Kholmatov *M. Akhmedova*	Current Issues of Time Management in Pedagogical Practice: The Essence, Prerequisites, Origin, and Major Stages of the Development of Time Management	115
R. Khakimov *S. A. Dustnazarova* *S. Qodirqulov*	The Integration of the Digital Economy and Green Growth in New Uzbekistan: A Driver of Sustainable National Development	119

The Integration of the Digital Economy and Green Growth in New Uzbekistan: A Driver of Sustainable National Development

R. Khakimov (Doctor of Economic Sciences, Associate Professor)[1]

Dustnazarova Sanobar Ataullaevna (Researcher)[1]

Qodirqulov Sarvar[2]

[1.] Tashkent University of Economics and Technologies
Tashkent, Uzbekistan
[2.] Joint-Stock Company "Xalq Sug'urta"
Tashkent, Uzbekistan

Abstract.
This article scientifically and theoretically analyzes the mutual integration of the digital economy and "green" growth concepts (Twin Transition), which are considered the most important modern trends in the global economic system, as a priority direction of sustainable development. The mechanisms of ensuring macroeconomic stability through structural reform of the economy, rational use of resources, and the development of human capital in the conditions of New Uzbekistan are revealed. As a result of the research, scientifically based conclusions and practical recommendations for increasing the competitiveness of the national economy and ensuring inclusive growth have been developed.
Keywords: sustainable development, green economy, digital transformation, national development, twin transition, innovation, inclusive growth, human capital, macroeconomic stability

Янги Ўзбекистон шароитида рақамли иқтисодиёт ва "яшил" ўсишнинг интеграцияси: барқарор миллий тараққиётнинг драйвери сифатида

Р. Хакимов (иқтисодиёт фанлари доктори, доцент)[1]

Дўстназарова Санобар Атауллаевна (мустақил тадқиқотчи)[1]

Қодирқулов Сарвар Ойбек ўғли[1]

[1.] Тошкент иқтисодиёт ва технологиялар университети
Тошкент, Ўзбекистон
[2.] "Xalq sug'urta" АЖ
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация.
Ушбу мақолада глобал иқтисодий тизимдаги энг муҳим замонавий тенденциялар ҳисобланган рақамли иқтисодиёт ва "яшил" ўсиш концепцияларининг ўзаро интеграцияси (Twin Transition) барқарор ривожланишнинг устувор йўналиши сифатида илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Янги Ўзбекистон шароитида иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ислоҳ қилиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва инсон капиталини ривожлантириш орқали макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш механизмлари очиб берилган. Тадқиқот натижасида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва инклюзив ўсишни таъминлаш бўйича илмий асосланган хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.
Калит сўзлар: барқарор ривожланиш, яшил иқтисодиёт, рақамли трансформация, миллий тараққиёт, егизак ўтиш (Twin Transition), инновация, инклюзив ўсиш, инсон капитали, макроиқтисодий барқарорлик.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган глобаллашув, кескин технологик ўзгаришлар ҳамда экологик мувозанатнинг бузилиши инсоният олдига иқтисодий ўсишнинг бутунлай янги моделларини жорий этиш вазифасини қўймоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор Ривожланиш Мақсадлари (БРМ) барча давлатлар учун тараққиётнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва экологик мезонларини ҳам белгилаб берди. Бугунги кунда анъанавий, хомашёга асосланган иқтисодиётнинг табиий хомшёлар тугаш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли жадал иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятлари минималлашди. Эндиликда жаҳон ҳамжамияти иқтисодиёт ва табиат ўртасидаги зиддиятни бартараф этувчи барқарор ривожланишнинг устувор йўналишларига юзланмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида халқаро стандартларга мос келадиган таркибий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Хусусан, "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида иқтисодиётни рақамлаштириш ва "яшил" технологияларни жорий этиш миллий тараққиётнинг асосий омиллари сифатида

белгиланган. Ушбу мақолада замонавий иқтисодий тенденциялар саналмиш рақамли иқтисодиёт ва яшил ўсишнинг ўзаро интеграцияси асосида Ўзбекистонда барқарор ривожланишни таъминлаш механизмлари қуйидаги учта асосий режа асосида таҳлил қилинади:

1. Жаҳон тажрибасида “яшил” ўсиш ва рақамли иқтисодиётнинг ўзаро синергияси: назарий ва амалий асослар.
2. Миллий тараққиёт омили сифатида Ўзбекистонда рақамлаштириш ва экологик барқарорликни таъминлашнинг жорий ҳолати.
3. Иқтисодиёт тармоқларига “рақамли-яшил” интеграцияни жорий этиш орқали камбағалликни қисқартириш ва инклюзив ўсишни таъминлаш механизмлари.

1. **Жаҳон тажрибасида “яшил” ўсиш ва рақамли иқтисодиётнинг ўзаро синергияси:** назарий ва амалий асослар. Бугунки кунда замонавий иқтисодий адабиётларда ва халқаро амалиётда “эгизак ўтиш” (twin transiction) тушунчаси тобора кенг оммалашмоқда. Бу тушунча рақамли технологиялар ва барқарор яшил ривожланишнинг шунчаки параллел эмас, балки ўзаро уйғунлашган, бир-бирини тақозо этувчи жараён эканлигини англатади. Иқтисодий ўсиш назарияларига кўра, иқтисодиётнинг рақамлаштирилиши ахборот асимметриясини йўқотади, транзакцион харажатларни камайтиради ва энг муҳими, экологик барқарорликни таъминлашнинг энг арзон ва самарали воситаси бўлиб хизмат қилади.

Анъанавий иқтисодиётда табиатга етказилган зарар (экстерналиялар) ҳисобга олинмайдиган бўлса, “эгизак ўтиш” моделида рақамли ечимлар орқали ҳар бир иқтисодий жараённинг экологик изини ўлчаш ва назорат қилиш имконияти юзага келади. Жаҳон Иқтисодий Форуми ва халқаро аудит компанияларининг қўшма тадқиқотларига кўра, рақамли технологиялар, хусусан, Сунъий интеллект, Катта маълумотлар (Big Data), Буюмлар интернети ва Блокчейн ёрдамида глобал углерод чиқиндиларини 2030 йилгача 15-20 фоизга қисқартириш мумкинлиги аниқланган. Бунга аниқ иқтисодий тармоқлардаги қуйидаги амалий механизмлар орқали эришилади:

- ***“Ақлли” энергетика тизимлари (Smart Grid) ва энергия самарадорлиги.*** Ривожланган давлатлар (масалан, Германия, Дания, АҚШ) тажрибасида энергия сарфини бошқариш қадимий марказлашган тизимлардан марказлашмаган рақамли тизимларга ўтмоқда. Тармоқдаги юкланиш сунъий интеллект орқали сониянинг мингдан бир улушида таҳлил қилиниб, энергия тақсимланади ва ортиқча исрофнинг олди олинади. Бундан ташқари, рақамлаштириш истеъмолчиларга “просьюмер” (ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам истеъмол қилувчи) мақомини беради. Яъни, оддий хонадон томидаги қуёш панеллари “ақлли ҳисоблагичлар” орқали умумий тармоққа уланади. Сунъий интеллект об-ҳаво маълумотларини олдиндан таҳлил қилиб, қачон қуёш энергиясини аккумуляторда сақлаш, қачон эса умумий тармоққа сотиш кераклигини автоматик ҳал қилади.
- ***Аниқ қишлоқ хўжалиги ва ресурсларни асраш.*** Глобал иқлим исиши фонида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш иқтисодиётнинг энг нозик нуқтасига айланди. Жаҳон тажрибасида қишлоқ хўжалигига дронлар, космик йўлдош орқали навигация ва тупроқ ости датчиклари кенг жорий этилмоқда. Бунда даланинг ҳар бир квадрат метри ҳақидаги маълумот (намлик, ҳарорат, тупроқ таркибидаги озуқа моддалари) рақамли базада йиғилади. Натижада, сув, ўғит ва пестицидлар бутун далага ягона меъёрда эмас, балки фақат эҳтиёжи бор ўсимликка математик аниқликда етказиб берилади. Бу ўз навбатида тупроқ деградацияси ва шўрланишнинг олдини олибгина қолмай, таннархни пасайтиради ва иқтисодий самарадорликни (ҳосилдорликни) кескин оширади.
- ***Айланма (доиравий) иқтисодиёт ва Таъминот занжири шаффофлиги.*** Бугунги кунда чизиқли иқтисодиёт модели ўрнини айланма иқтисодиёт эгалламоқда. Бу жараёнда рақамли платформалар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Маҳсулотларнинг ҳаёт циклини яратилишидан тортиб то утилизация қилинишигача бўлган жараён рақамли “Паспортлар” ва блокчейн технологияси орқали кузатиб борилади. Бу орқали хомашёни қазиб олишга бўлган эҳтиёж камаяди, табиатга юклама пасаяди ва маҳсулот қиймати максимал даражада сақлаб қолинади.

Макроиқтисодий стратегиялар доирасида “эгизак ўтиш” қоидалари ривожланмоқда. Назарий жиҳатдан рақамли иқтисодиёт - бу тезкор восита, яшил иқтисодиёт - бу стратегик мақсад, барқарор ривожланиш эса - ушбу жараённинг якуний натижасидир.

Европа Иттифоқининг “Яшил битим” стратегияси айнан шу интеграцияга таянган. Жанубий Кореянинг “Рақамли ва Яшил янги келишув” дастурлари ҳам экологик ва рақамли лойиҳаларни молиялаштиришни кўзда тутган. Ўзбекистон учун аҳамияти: Ушбу глобал тенденция Ўзбекистон каби ривожланаётган давлатлар учун ноёб “технологик сакраш” имкониятини тақдим этади. Бу нафақат мамлакатнинг глобал таъминот занжирига рақобатбардош бўлиб қўшилишини, балки халқаро молия институтларининг “яшил” грант ва кредитларини жалб этишини ҳам таъминлашга хизмат қилади.

2. **Миллий тараққиёт омили сифатида Ўзбекистонда рақамлаштириш ва экологик барқарорликни таъминлашнинг жорий ҳолати.** Ўзбекистон ўзининг геосиёсий жойлашуви, иқлим шароити ва демографик ўсиш суръатлари нуқтаи назаридан барқарор ривожланиш моделига ўтишни ортга суриб бўлмайдиган объектив зарурат сифатида қабул қилмоқда. Орол денгизи фожиаси оқибатлари, ёз ойларидаги аномал иссиқлик, чўлланиш жараёнларининг тезлашиши ва сув захираларининг кескин камайиши миллий иқтисодиётни иқлим ўзгаришларига жадаллик билан мослаштиришни талаб этмоқда. Бу каби хавфлар фонида республикамизда рақамли ва “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш миллий тараққиёт ва иқтисодий хавфсизликнинг энг асосий устунларига айлантирилди.

Мамлакатимизда ушбу икки стратегик йўналишдаги ислоҳотлар асосан қуйидаги учта йирик тармоқда ўзининг амалий ифодасини топмоқда: Биринчидан, энергетика соҳасида амалга оширилаётган “яшил инқилоб” ва энергия самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт тармоқлари, айниқса саноат корхоналарининг рақобатбардошлиги бевосита энергия харажатларига боғлиқ. Электор энергиясининг иқтисодиёт тармоқлари ривожи учун етарли миқдорда бўлишини таъминлаш жуда муҳим стратегик вазифа саналади.

Ҳукумат томонидан қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ, 2030 йилга бориб электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмида қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ) улушини 2026 йилдаги 31 фоиздан 2030 йилга келиб 54 фоизга етказиш мақсади қатъий белгиланган. Бу шунчаки экологик тоза энергия эмас, балки чуқур макроиқтисодий аҳамиятга эга қадамдир. “Яшил” энергетикага ўтиш орқали мамлакатимиз экспорт салоҳиятини сақлаб қолади, энергия

сиғимдорлигини пасайтиради ва юзлаб янги “яшил иш ўринлари”ни яратади.

Иккинчидан, иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқарувини чуқур рақамлаштириш жараёнларини жадал ривожлантириш. Рақамлаштириш фақатгина қулайлик эмас, балки яширин иқтисодиётга барҳам берувчи энг қудратли воситадир. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида давлат хизматларининг 80 фоиздан ортиғи онлайн шаклга ўтказилди. Бу жараён жиддий назоратга олинган ва жадал амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда бу соҳада қилиниши лозим ишлар кўлами жуда катта эканлиги ҳам тез-тез таъкидланмоқда. Хусусан, 2026 йилнинг 12 майида, давлат хизматларини кўрсатишда бюрократияни қисқартириш чора-тадбирлари муҳокама қилинган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев “....Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат хизматларини аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай, тезкор ва шаффоф қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Давлат хизматлари кўлами 10 баробар кўпайиб, 61 миллиондан ошди. Уларнинг 80 фоизи онлайн шаклда кўрсатилмоқда. Биргина 2025 йилнинг ўзида тадбиркорликка оид 2 мингдан ортиқ мажбурий талаб бекор қилинди.

Шу билан бирга, соҳада ортиқча тартиб-таомиллар, қоғозбозлик ва такрорланувчи талаблар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда. Бугунги кунда давлат органларида 5 минг 650 та функция, бизнесни тартибга солувчи 42 мингдан зиёд мажбурий талаб ва 1 минг 41 та давлат хизмати мавжуд.

– Бундай кўп функция ва талаблар тизимни самарасиз, қиммат ва баъзан адолатсиз қилиб қўйиши мумкин. Шу боис, фақат дерегуляция, рақамлаштириш ва соддалаштириш – энг тўғри йўл”, – деб таъкидлади.

Саноат корхоналарида автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг жорий этилиши ишлаб чиқаришдаги узилишларни, хомашё ва энергия исрофини кескин камайтириб, меҳнат унумдорлигини оширмоқда. АТ-Парклар фаолиятининг кенгайтирилиши натижасида дастурий маҳсулотлар ва рақамли хизматлар экспорти ҳажми жадал ўсиб бормоқда.

Учинчидан, қишлоқ ва сув хўжалигида инновацион “Рақамли-яшил” синергиянинг татбиқ этилиши. Ўзбекистонда чучук сув захираларининг қарийб 90 фоизи қишлоқ хўжалигига сарфланади. Бугунги кунда соҳани рақамлаштириш бўйича “Агроплатформа” ягона ахборот тизими ишга туширилган бўлиб, у орқали экин майдонлари ҳисоби, сув сарфи мониторинги тўлиқ шаффофлашди. Айниқса, сув тежамкор технологияларни сунъий интеллект ва рақамли датчиклар билан интеграция қилиш амалиёти кенгаймоқда. Шунингдек, миллий миқёсда амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг ҳам рақамли платформалар билан боғланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

3. **Иқтисодиёт тармоқларига “рақамли-яшил” интеграцияни жорий этиш орқали камбағалликни қисқартириш ва инклюзив ўсишни таъминлаш механизмлари.** Барқарор ривожланишнинг асл моҳияти шундаки, макроиқтисодий ўсиш фақатгина ялпи ички маҳсулотнинг қуруқ рақамларида эмас, балки ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётида, даромадлари ва яшаш тарзида ўз аксини топиши керак. Жаҳон банки ёндашувларига кўра, инклюзив ўсиш - бу барча аҳоли қатламлари, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, чекка ҳудудларда яшовчи аҳолининг иқтисодий фаолликда бевосита иштирок этиши ва ўсиш меваларидан тенг баҳраманд бўлишини англатади. Бу жараёнда камбағалликни қисқартириш ва инклюзивликни таъминлашнинг қуйидаги ўзига хос инновацион механизмлари ишга туширилмоқда, хусусан:

• ***Янги малака ва муносиб иш ўринлари яратиш (Яшил ва рақамли кўникмалар).*** Рақамли ва яшил иқтисодиёт меҳнат бозорини тубдан ўзгартириб, анъанавий кам маошли жисмоний меҳнат ўрнига янги, юқори даромадли интеллектуал касбларни талаб қилмоқда. Давлат томонидан ёшларни дастурлашга ўргатиш бўйича “Бир миллион ўзбек дастурчиси” лойиҳаси ҳамда ҳудудлардаги АТ-Парклар орқали ёшларни экспортга йўналтирилган хизматлар соҳасига жалб қилиш тизими йўлга қўйилди. Бунинг натижасида “рақамли гиг-иқтисодиёт” (Digital Gig Economy) шаклланмоқда.

• ***“Маҳаллабай” ишлаш тизими ва “Яшил молиялаштириш”нинг оилалар даражасидаги интеграцияси.*** Ўзбекистонда жорий этилган “маҳаллабай” ва ҳоким ёрдамчилари тизими макроиқтисодий лойиҳаларни ҳар бир оила даражасигача тушириш имконини берди. Энг ёрқин мисол сифатида “Қуёшли хонадон” дастурини келтириш мумкин. Уй хўжаликлари ўзлари ишлаб чиқарган ортиқча электр энергиясини махсус рақамли ҳисоблагичлар орқали давлатга юқорироқ тарифда сотиш орқали барқарор “пассив даромад” манбаига эга бўлмоқдалар. Бундан ташқари, томорқа хўжаликларида ихчам сув тежовчи ва томчилатиб суғориш ускуналарини жорий этиш орқали ҳосил олиш ва оилавий даромадларни каррасига оширишга эришилмоқда.

• ***Инсон капиталини ривожлантириш ва рақамли тафовутни йўқотиш.*** Барқарор ривожланишнинг энг катта омили бу — таълим ва соғлиқни сақлашга киритилган узоқ муддатли инвестициялардир. Шу мақсадда, мактабларда STEM (илм-фан, технология, муҳандислик, математика) таълимининг кенгайтирилиши, қишлоқ мактабларини юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш жараёнлари жадал кетмоқда. Олий ўқув юртлари дастурларига “яшил иқтисодиёт”, “айланма иқтисодиёт” фанларининг киритилиши эса келажак авлодда экологик маданиятни шакллантириб, уларни замонавий меҳнат бозори талабларига тайёрлайди. Рақамли молиявий хизматларнинг (Финтех) ривожланиши эса банкка боришга имкони йўқ аҳоли қатламларига мобил иловалар орқали микрокредитлар олиш ва ўз кичик “яшил” бизнесини бошлаш имконини бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон иқтисодиётидаги мураккаб ва зиддиятли ўзгаришлар шароитида Ўзбекистон танлаган йўл — “яшил” ўсиш ва рақамли иқтисодиётга таяниш давлатнинг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлашнинг бирдан-бир тўғри моделидир. Бу икки тармоқ бир-бирини тўлдирувчи (комплементар) бўлиб, бири мақсадни (экологик соф иқтисодиёт), иккинчиси воситани (тезкор рақамли технологиялар) ўзида ифодалайди. Янги Ўзбекистон шароитида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, рақамли ва яшил иқтисодиёт интеграциясини янада жадаллаштириш мақсадида қуйидаги илмий-амалий тавсиялар таклиф этилади:

1. **Қонунчилик базасини такомиллаштириш:** Иқтисодиёт тармоқларида рақамли ва яшил технологияларни жорий этган тадбиркорлик субъектлари учун солиқларни камайтириш ва божхона имтиёзларини тақдим этиш бўйича “Экологик ва рақамли солиқ имтиёзлари кодекси” (ёки шунга ўхшаш норматив ҳужжат) ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

2. **“Яшил молиялаштириш” воситаларини**

кенгайтириш: Лойиҳаларни молиялаштиришда “яшил облигациялар” ва халқаро иқлим фондлари маблағларидан фойдаланиш ҳажмини ошириш, шунингдек, тижорат банкларида махсус экологик лойиҳалар учун паст фоизли “яшил кредитлар” тармоғини кенгайтириш лозим.

3. **Давлат-хусусий шериклигини фаоллаштириш (ДХШ):** Катта харажат талаб этувчи муқобил энергетика ва АТ инфратузилмаси соҳаларига нафақат хорижий, балки маҳаллий йирик бизнес вакилларини ҳам жалб этиш учун ДХШ лойиҳалари жозибадорлигини ва ҳуқуқий кафолатларини ошириш мақсадга мувофиқ.

4. **Илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси:** Олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларида тўғридан-тўғри саноат корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий, экологик муаммоларини ҳал қилишга қаратилган инновацион спин-офф корхоналарини кўпайтириш керак.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли трансформация ва “яшил” тараққиёт фақатгина ҳукумат (давлат)нинг эмас, балки бутун жамиятнинг, бизнес ва ҳар бир фуқаронинг ҳаёт тарзига айлангандагина кўзланган натижага - мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва халқ фаровонлигига эришилади.

References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-436-сон Қарори.
4. Ваҳобов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Ташматов Ш.А. “Яшил иқтисодиёт”. Дарслик. – Тошкент: “Университет”, 2020.
5. Ғуломов С.С. ва бошқ. “Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари”. – Тошкент: “Иқтисодиёт-Молия”, 2019.
6. Muegge, M., & Reid, R. (2021). “The Twin Transition: Green and Digital”. European Union Policy Research Reports. (Изоҳ: Бу инглизча манба бўлгани учун халқаро стандартларга кўра ўзгаришсиз қолдирилади).
7. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури (БМТТД) Ўзбекистон учун ҳисоботлари: “Барқарор Ривожланиш Мақсадларига эришишда рақамлаштиришнинг ўрни”. – Тошкент, 2023.
8. Жаҳон Банки. “Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш ва иқлим исишига мослашиш”. Махсус ҳисобот, 2022.